

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 140 (9.332) 1999 йил 1 декабрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ УКРАИНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучманнинг ўз вазифини ижро этишга расман киришиш маросими — инаугурациясида иштирок этган учун 30 ноябр кун Киевга жўнаб кетди.

Инаугурация маросими ишонч мустақамлигини, хақида сўз бошлаган аввал, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида қисқача тўхталди. Сир эмаски, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган. Ҳозир ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ишлаб турибди, давлат раҳбарларининг қатор халқро ва минтакавий масалалар бўйича нуктаи назари бир-бирига уйғун. Ислам Каримов яқиндагина Украинада бўлиб, ушбу мамлакат халқини сайловда Леонид Кучма номзодини қўллаб-қувватлашга даъват қилганди. Бунинг замирида ўзаро

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

КОНСТИТУЦИЯМИЗ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» бўлими, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташаббуси билан «Конституциямиз — инсон ҳуқуқларининг кафолати» мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика Конституциявий судининг раиси Баҳодир Эшонов йирилганлар эътиборини Ассий Қонунимиз мезонлари асосида фуқаролик жамияти курилатгани, ҳуқуқий давлатнинг белгиларига қаратди. — Биз юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини бунёд этганимиз, — деди жумладан у. — Ҳуқуқий давлат пойдеворини эса Конституция ва Қонун устуворлигини таъминлаш, Конституциявий назоратни амалга ошириш, давлат ва фуқаролар ўртасида ўзаро уйғун муносабатларни шакллантириш, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари ташкил этиди. Энг муҳими, фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатнинг бўлиниши, худди шунингдек ҳуқуқий давлат курмасдан фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас. Зеро, иккаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Фуқаролик жамиятини куришининг энг муҳим

Анжуманлар КУЧ — БИРЛИКДА

Халқлар дўстлиги ўзининг буюк келажакни кураётган Ўзбекистон учун энг олий қадриятлардан ҳисобланади. Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан амалга оширилган ҳар бир маънавий мамлакатимиз эл элалари, минтақамиз халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлашга қаратилган. Бу ерда майяйн мавзусида машғулотлар ўтказиш анъанаси айланган қолган.

Кун кеча бўлиб ўтган машғулотда Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеяси биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубовнинг минтақамиз халқларининг маънавий, маърифий ва маданий муштараклиги, ТошДУ ректори Тўрабек Долимовнинг «Халқ бирлиги» ҳаракатининг мақсад ва вазибалари, Тошкент Давлат техника университетини ректори Тўлқин Мирқомилловнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ҳусусидаги маърузалари тингланди. Машғулотда пойтахтимиздаги қозоқ, рус, тожик Миллий марказлари фаоллари, талабалар ва бошқалар иштирок этди. Фаррухбек ОЛИМ, ТошДУ журналистика факультети талабаси.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 4 кун қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига 39 кун қолди.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Пигирманчи аср поёнига етмоқда. Бинобарин, шундай экан, биз XXI асрда қандай яшашимиз мамлакатимизда амалга ошириладиган тув ислохотларнинг пировард натижасига, бизнинг бўлиб ўтадиган умумий сайловларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шу босдан ҳар биримиз капта бир умумий масъулият ҳисси билан яшашимиз: парламентимизга ва маҳаллий ҳокимият органларига, депутатларни, энг муҳими давлатимиз раҳбарини сайлаш арасида турибмиз. Шунинг асоси керакки, биз 2000 йилнинг 9 январь кун нафақат мамлакат Президентини сайлаймиз, балки биз ўзимизнинг умумий тақдирларимизни боғлаган ўз кишимизга ишонч бидиришимиз. Шу нарса гоят қувонарлики, ақсарият кўпчилигимиз бугунги куннинг ўзидаёқ ана шу ишонч — Ўзбекистоннинг ҳозирги Президентини Ислам Каримовни Президентликка сайлашни аниқлаб олдик. Пойтахтимизда Ислам Каримов номзодини мустақил давлатимизнинг раҳбари лавозимига сайлашни қўллаб-қувватловчи йиғилишлар ва митинглар ана шундан боғлиқ бериб турибди.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СЕМИНАРИ

КЕЧА Тошкент ирригация ва кишлук ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида шаҳар сайлов комиссиясининг ақсарият аниқлаш бўлиб ўтди. Анжуманда пойтахтимиздаги барча сайлов участкалари сайлов комиссияси раиси ва котиблари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш, маданият бош бошқармалари, шаҳар ҳокимияти саъво, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳамда бошқа соҳаларнинг мустақилдари иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабрь кун эрталаб соат 6.00дан бошланиб, кеч соат 20.00гача давом этади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонун талабига кўра овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади. Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келган, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхати мурофиқ ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса, бюллетень олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Бирор бир сабабга кўра айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридagi тартибда амалга оширилади. Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдирини махус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчилар бошқа бирор бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъий таъқиқланади. Сайловчи бирор бир сабабга кўра сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдирар олмаса, у бошқа бир кишини ёрдамга қаршириши мумкин. Бундай ёрдам кўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, қузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчига ёрдам кўрсатишлари таъқиқланади. Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўчиради. Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатта олинмайди. Биттадан ортиқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилди. Сайловчи тўлдирилган бюллетени сайлов қутисига ташлайди. Баршарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси унга янги бюллетень беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса, сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олинмай, бекор қилинади ва алоҳида сақланади. Айрим сайловчилар бетоблиғи ёки бошқа узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади. Тегшли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғида тартиб сақланиши учун жавобгардир.

ДАВР САДОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон дунёнинг танилиб теннис мамлакатига айланганлиги борасидаги орузи 2000 йил арафасида рўёбга чиқа бошлади. Халқро Теннис уюшмаси Директорлари кенгаши қарорига биноан Ўзбекистон Президенти Қўбоғи ўйинлари 1999 йилнинг «Энг яхши турнири» деб эътироф этилди. Шу муносабат билан мамлакатимизга Халқро теннис уюшмасининг «Устунлиги учун» бош мукофоти топширилди. Мамлакатимизда Корея Республикаси ишбилармон доираларининг делегацияси мەхмон бўлиб турибди. Ўзбекистон Олий ҳўжалик судида «Хўжалик шартномаларини тузиш ва улар ижросининг ҳўқуқий асослари ҳамда 2000 йил учун «Бўюртмалар портфели»ни шакллантириш вазибалари» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлди. Муҳташам «Туркистон» саройида мамлакатимиз Конституциясининг етти йиллиғига бағишланган кўргазма очилди. Бугун Темирўйлар тарихи давлат музейида «Жалолдин Манғуберди ва миллий тикланиш» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Театр саҳнасида 200 мартадан ортиқ намоиш этилишига қарамай, ҳамон томошабинлар эътиборини қозониб келадиган «Чимилдик» асари экан юзини кўрди. Пойтахтдаги Алишер Навоий номи санъат саройида мазкур бадиий фильмнинг илк кўргузи ўтказилди. Эртага Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасида «Инсон ва жамият» курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмасининг тақдимномаси бўлади. Ушбу хабарига кўра, ҳарбий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, юксак ҳарбий тайёргарлиги тўғрисида Янгйобод аҳоли пункти яқинида террорчилик ҳаракати содир этиб келажакда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини уюштириш ҳамда амалга ошириш мақсадида базалар, қароргоҳлар ташкил этишни кўзда тутган террорчи гуруҳ 16 ноябрдан 23 ноябргача бўлган муддат ичида қидириб топилди ва йўқ қилиб ташланди. Операция давомида Инчи ишлар вазири ҳарбий хизматчиларидан уч киши ҳалок бўлди.

ЖАХОНДА

Бугун Руминия давлати ташкил топган кун. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакат Конституциясига асосланган ҳолда, авф этиш комиссияси мурожаати билан оғир жиноят қилмаган 27 нафар маҳбусни авф этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бишкекда мамлакат ҳўқуқни ҳимоя қилиш органлари ва махус хизмат раҳбарлари — «Шанхай бешлиги» аъзоларининг учрашуви очилди. Бугун Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш кун. Эндликда машҳур «Нью-Йорк-Таймс» газетасини бир вақтининг ўзида саккиз тилда ўқиш имконияти яратилди. Исроиллик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган «Валион» компьютер дастури мазкур газетани иврит, испан, немис, япон, италиян, голланд ва португал тилларига бир зумда таржима қилиб беради. Бугун Лондонда қайта таъмирлашдан сўнг қироллик опера ва балет театри биноси очилди. Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида форс кўрфаз мамлакатлари давлат раҳбарларининг йиллик учрашуви бўлиб ўтди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида минтақа мамлакатлари иштирокида боҳжона иттифоқи тузиш борасидаги келишувга эришилди. Бугун Италия Бош вазири Массимо д'Алемоннинг Ливанга ташрифи бошланади. «Толбон» ҳаракати халқро террорчилар отаси деб айбланаётган Усама бин Лодин устидан суд Афғонистон ҳудудида ўтказилишини яна бир бор тақий қилган. Толбон террорчини АКШга беришни қатъий рад этмоқда. Жанубий Африка Республикаси пойтахти Кейптаундаги ресторанда содир этилган портлаш натижасида яраланганлар сон 46 тага етди. Покистон жанубидаги Хайрпур шаҳри яқинида поезд билан йўловчи автобус тўқнашиб кетди. Натижада 10 киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди. Германиянинг Любек шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада профессионал бокс қироли, ҳамюртимиз Артур Григорян ўинчи раундда уругвайлик Уилсон Галлини нокаутга учратиб, ўн қарра жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди.

Table with columns: District (Округ), Candidate Name (АНТОНОВ, БОТИРОВ, РАСУЛОВ, ТУРСУНОВ, Цой, ФОЗИЛОВА, ҚОСИМОВ), Candidate Info (1936 й. «Адолат» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар 11-қисманли врач, 1936 г. член партии «Адолат», врач больницы № 11 города Ташкента), Party (Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат»), District (АНТОНОВ, БОТИРОВ, РАСУЛОВ, ТУРСУНОВ, Цой, ФОЗИЛОВА, ҚОСИМОВ), Party (Ўзбекистон «Ватан тарихи» партияси аъзоси, «Тошкентлик коммунист» ишлаб чиқариш бирашмаси, мундариб, 1946 г. член партии «Ватан тарихи», инженер производственного объединения «Таштелкоммунэнерго», 1940 й. «Миллий тикланиш» партияси аъзоси, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, 37-мактаб директорининг ўринбосари, 1940 г. член партии «Миллий тикланиш», заместитель директора школы № 37 Чиланзорского района города Ташкента, 1944 й. «Фидоқорлар» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар телефон станцияси оператори, 1944 г. член партии «Фидоқорлар», оператор телефонной станции города Ташкента, 1936 й. ҲХДП аъзоси, «Шарк» ички қорхонаси директори, 1936 г. член партии НДПУ, директор малого предприятия «Шарк», 1940 й. партияси, Тошкент тўқимачилик ва енгил санат олийгоҳи ўқитувчиси, 1940 г. без партийной, преподавательница Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 1949 й. партияси, «Кундуз» очқ тудари акционерлик жамияти раиси, 1949 г. без партийной, председатель акционерного общества открытого типа «Кундуз»), Party (Ўзбекистон «Ватан тарихи» партияси, Партия Узбекистана «Ватан тарихи», Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Демократическая партия Узбекистана «Миллий тикланиш», Ўзбекистон «Фидоқорлар» миллий демократик партияси, Национально-демократическая партия Узбекистана «Фидоқорлар», Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Народно-демократическая партия Узбекистана, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, Совет народных депутатов города Ташкента, Сайловчилар ташаббуҳ гуруҳи, Инициативная группа избирателей)

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.

*Асрларга элтиб хаёли,
Баъзан ёрқин кўраман чолни...
Нуроний юз, нуроний соқол,
Кўзлариди, малол.
Даҳо поллар пениосидан,
Гўё кўш булут ичидан
Буюк кўнгил ва буюк фикр
Маъжуд каби, чизгиларда сир,
Кўркем, мағрур, оз эгик боши,
Куюқ жиддий кичриги, қоши... (Ойбекнинг «Навоий» достонидан)*

Мазкур туркум мавзуда олиб борилаётган мулоҳазалар аксаринан XX аср бошларидан 30-йилларнинг охиригача бўлган адабий-тарихий жараёнларга бағишлангани маълум, кузатиб бораётганлар бундан яхши билишади. Бунинг аслида жуда муҳим сабаби бор. Гап шундаки, то буюк Истиқлолимизгача ўтган даврларда коммунистик маффурунинг бутун тили худди шу давр тарихига, миллий маънавиятимиз ва энг оддий-инсоний қадриятларимизнинг энг оёқоти қилинган даври ҳам шу эди. Октябр тўнтаридан кейинги бутун ҳаётимиз, борлигимиз, мол-мулкимиздан тортиб барча турдаги анъаналаримизгача топталди, инкор этилди. Йўқотишга йўл очилган сохталаштирилди ва ҳоказо...

Агар биз тарихимизнинг қайси даври, қайси соҳаси, қайси босқичига қачон мурожаат қиладиган бўлсак, аввало ўзимиз яшаб турган жаҳон аҳолига, унда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларимизни билдириш учун, ўз ижтимоий ҳаётимизни сақлаб қолиш, яна ҳам тўғриси бугунги мустақиллигимизни мухташамлашга хизмат қиладиган миллий ва умуминсоний нуқталарни излаб топамиз... Қадриятларимиз бугун ва эртанги ҳаётимиз қандай наф келтиришини кўзда тутамиз. Маънавий мерос ва миллий қадриятларнинг энг олий фазилатлари айни шу нуқталар билан абадий яшайди, дунё турғунча туради, жамият тараққий этади, ёшларимиз тарбиясига, уларнинг кимларга ворис эканликларини англаб олишларига кўмак беради.

Шу ўринда яна бир изоҳга эҳтиёж сезилади: биз юқорида миллий тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз октябрдан кейин айниқса эъри бериб сохталаштирилди, дедик. Бу гаплар кейинги саккиз йил мобайнида минг марта айтилиб келади. Тўғри. Уша даврда миллий адабиётимизнинг сохталашиб кетгани ҳақида ҳали унча тўла ва аниқ далиллар билан етарли фикр-мулоҳазалар айтилгани йўқ. Айрим йўл-йўлак бирор ёзувчининг бирор асари мисолида баъзи гаплар айтилган ва ҳамон айтимокда. Аммо ҳар қандай оғир, мураккаб, ҳатто қалтис ёки Юртбошимиз иборалари билан айтидиган бўлсак, «Баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд ҳавф-хатарлардан асраш, сақлаш ҳар бири-мизга бовариқдир. Давлатни ақл-идрок билан бошқариш, — мутафаккир Абу Наср Форобий XX асрда сабоқ бериб айтганидек, — халқ бошига тушган ҳавф-хатарни қамқатириш ва бартараф этишдан иборатдир».

Маззунимиз йўналиши тарих ва унинг бугунги тарбиявий аҳамияти, далиллар ўз миллий адабиётимиз заминига асосланади. Агар бугунги жаҳон ахборот воситалари эълон қилинаётган воқеа-ҳодисаларга бир назар ташласак — кўз олдимизга нималар келади-ю уларга бизнинг қарашларимизни қандай изоҳлаш мумкин? Бу бир. Иккинчидан, воқеа ва ҳодисалар шу қадар кўп ва хилма-хил, зиддиятлы, мураккаб, қалтис, ҳатто ўта ҳавф-хатарли, дахшатли, гоҳо фожиалики, уларни санаб на охирига етиб бўлади, ва на тўла-тўқис тахлил этиб бўлади... Бирок ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай ўзгаришга биз дастлаб ўз Ватанимиз муқтадрилиги, ўз миллатимиз, халқимизнинг ҳаётий манфаатларини кўзлаш нуқтаи назардан қарашларимизни ифода этамиз. Воқеалар нақадар чексиз-чекгарасиз бўлмасин, улар орасидан энг муҳимларини танлаб муносабат билдиришга тўғри келганда — миллий муқтадрилигимизни сақлаш, мухташамлаш, бизнинг тинчлигимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлигимиз, буларнинг оқибатидан таъминланадиган тараққийтимизга ҳавф соладиган ёвуз кучлар, ғаламислар, ҳозирги расмий иборатда ҳар кун неча марта тилга олинаётган-террорчиларга қарши, инсониятга ўлат келтирувчи нарқобизнесга қарши, буюк истиқлолимизга турли йўллар билан суиқасдлик қилаётган аслида ўғри, босмачи, хоин-соткин — фитначиларга қарши, содда — ҳали дунёқараш унча шаклланиб етмаган ёш ўғил-қизларимизни йўлдан уриб, уларни ўзимизга қарши қўйишга интилаётган ифвогарларга қарши кескин, шафқатсиз, узлуқсиз қаттиқ курашлар олиб бориш — бугунги кунимизнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолгани жуда очиқ-равшан кўриниб турган ҳақиқат бўлиб қолди. Бунинг чўқур англаб етишга барча каттадан-кичик фуқароларимиз қодирми?

Юртбошимиз асарларидан юқорида келтирилган кўчирманинг эълон қилинганга қарийб ўч йўл тўяпти-ку?! Нега биз теран ҳаётий, фалсафий мушоада мавжуд бўлатириб ўз фуқароларимиз ичидан ёвузлар иғвосига учганлар чиқиб қолди? Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариш гарчи қийин бўлса-да, лўнда қилиб айтиш мумкин — носоғлом оилавий муҳитда ўсиб, дунёқарашлари юлғичлик, худбинлик, молпарастлик ва ҳатто амалпарастлик руҳида тарбия топганлар ичидан озгина пулга сотиладиган нодонлар чиқади, дейилса ҳато бўлмас керак. Агар ўша янглиш йўлга кирганлар ўз халқи, миллати, ватани тарихини билса, ўрганса, буюк авлод-аждодлари қолдирган миллий ва умуминсоний маънавий меросга ҳурмат билан қарайдиган бўлса, жаҳон миқёсидаги тараққийларга минглаб йиллар муқаддам йўл очиб берган буюк сиймоларга муносиб ворислар эканлигини англаса, ҳеч қандай хижолатга қўл урмас, йўлдан адашмас, ёвуз ниғат ёки даҳшат билан иш қўраётган террорчилар сиртмоғига илинмас эдилар. Зеро қайси бир улўғ миллий шахсимиз ҳаётига назар ташласак, дастлаб уларнинг ўз миллий тарихига эътиқод қўйиб улғайганини кўрамиз. Биз бу масалага илгарилари жадидлар ва уларнинг бир қатор етакчилари сифатида XX аср бошларида

лум даражада бурилиш даври дейилса ҳато бўлмас керак. Маълумки, инсоният ўз даврининг ҳар бир бурилиш нуқтасида доим тарихга мурожаат қилади, босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди, яна қандай йўлдан бориши керак деган саволга жавоб ахтаради. Жавобки эса ҳақиқат аввало, ўз миллий тарихидан, ундан кейин бошқа халқлар ва миллатларнинг маънавий оламидан, яъни умуминсоний тарихидан ахтаради, топади, энг қимматли, энг илғор, ҳеч қачон эскирмайдиган, барча даврларда тараққийга кўмак берадиган ва худди шу фазилатлари билангина мангуликка дахлдор бўлиб қолган маънавий меросларга мурожаат қилади... Бундай фаолиятни биз ҳар бир халқ ёки миллатнинг энг атакли вақтлари, яъни гуллари ҳаёти, ижодида кўрамиз.

Мисол учун баъзи далиллар келтирайлик: фақат октябр тўнтаридан кейинги адабиётимиз тарихига назар ташлаб, кўз ўнгимиздан ўтказсак, бу борада нималарни эслаймиз? 1917 — йиллардан бошлаб ўзбек адабиётида тарихий мавзуларда ёзилган барча жанрдаги асарларда тарихга мурожаат қилган Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий ва уларнинг бебаҳо асарлари, қадриятлари кўз олдимиздан бирма-бир ўтади? Шубҳасиз, худди кино ленталаридек ўтади. Энди улар-

лан яшайди... Ўзбек романида жадидлар образини биринчи яратган адиб ҳам Ойбек бўлса керак. Мазкур образнинг илгариги талқинлари бизга маълум, уларни такрорлашнинг ҳолати йўқ... Бу образнинг романдаги ифодаси шаклидан кўра бошқача акс эттириш иложи йўқ эди, албатта... Энди йўлчи қиёфасини бир эслайлик. Ундаги муҳтожлик, охири қишлоқда тирикчилик ўтмай, шаҳарга, бой тоғасиникига келиб қолиши... Ундаги ҳар бир вазиятда ўз иззат-нафси, гурурини сақлаш ўзаро муомалалардаги миллий урф-одатлар, ниҳоят адолатсизликка дуч келгандаги айрат-шижоат, ўз эрки-озодлиги учун курашлари тасвири бирор онгли китобхонни ларзага солмай қўймайди...

Романинг жадидлар фаолияти ҳақидаги лавҳалари тасвирига қараганг: «... Биз Туркистон мусулмонлари чўқур ғафлатдамиз. Агар бир жангу жадал қилиб бу жаҳлат ботқоқдан қутилмасак, тараққий йўлини тутмасак, бошқа мусулмон мамлакатлари билан иттифоқни маҳкамлашмасак, яқин ўртада биз, мусулмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам христианлар босиб оладилар... «Жадид Абдушукур билан даврда ўтирган бир гуруҳ тошкентлик бой ва бойваччалар ўртасида суҳбат, тортишув, мунозаралар қилиб кетиб, гап мактаблар учун биналар қуриш, газеталар чиқариш, мактабларда чиқиб турган дунё хабарларидан воқиф бўлиш, уларга ўз муносабатларини билдириш, бугунги ибора билан айтилса, «ўзлигини тўшуниб етиш». Ер юзида ўз ўрни-маъқени англаш, сақлаб қолиш, мактаб-маориф, маданият, тўй-ҳашам, урф-одатлардаги айрим нуқсонлардан тортиб театр, санъати-ю ёшлар тарбиясига аҳамият беришнинг XX аср ўзини йилларидаги барча воқеа-ҳодисалар тахлил қилинади... Шу суҳбат асосида дунёни англайдиганлар билан бирга доим ғафлатда этиб пул тўплаш, катта тўйлар қилишдан бошқани ўйламайдиган савдогарлар, бойваччалар ва уларнинг бутун қиёфалари ёрқин тасвирга берилган... Узокни кўришга қалби оғиз бир бой мактаб ҳақида гап кетса, «Хадрадаги мактаб болаларимизга қиёф қилади-ку, яна қандай мактаб лозим?» дейишдан нари ўтмайди. Унга дунё воқеалари, замон талаблари, зиддиятларини англаш бутунлай бегона... Тўй-ҳашамлар ҳақида гап кетганда биров уларни ичмаллаштириб, муҳтожларга ҳайр қилишни тарғиб этилади... Бу борада айрим уламолардан қаттиқ ранжиб, даврадагилардан бири шундай дейди: «... Уламоларимизда ҳам айб қил... Бидъат ишларни йўқотиш ўрнига уларни ҳимоя қиладилар. Уларга тўйма-тўй юришни, яқриқор чопонлар кийишни яхши кўрадилар. Бойлар тўйларга сарф қиладиган пулни савдога ишлатсин, театр ишларига берсин... Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам «кофир» деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳлатдан бошқа нарса эмас...»

Тарихдан маълумки, Туркистон жадидлар театр санъатида гоёт қатъа аҳамият берганлар. Ҳатто кўплари шахсан миллий театрларимиз учун сахна асарлари ёзиб, ўзлари режиссёрлик ва актёрлик қилганлар... Абдулла Авлоний, Ғози Юнус, Ғуло Зафарий, Ҳамза ва бошқалар шундай фаолият қўрсатганлари маълум, ўзбек жадидларнинг етакчиси Бехбудий ҳам бу соҳага алоҳида эътибор берган, бу тўғрида қамина ҳам, бошқалар ҳам ёзишган. Бироқ 10-йиллардаги бой — савдогарларимизни маданият, маънавият томон бошлашга бел боғлаган жадидлар жуда қийинчилик билан амалга оширганлар. Бунинг Ойбек гоёт маҳорат билан ўз романида ифода этади... Савдогарлардан бири шу масалада Абдушукурга мурожаат қилишни бир эслатамиз:

— Шу театр дегани нима? От ўйиними? — Тамом бошқа нарса у. Бир қарра курсангиз, у хар ким учун бир мактаб эканини англайсиз, — деди Абдушукур. — Мен кўрдим театрни, — деди (бошқа бир пахтачи бой) — Сиз уни мактаб дейсиз. Қандай қилиб мактаб бўлади? Домла қани, шогирд қани? Мен борганимда бир илмисиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос». Мана сизга Ойбекнинг биринчи романида жадидлар, ўзбек зиёлилари ва асримизнинг 10-йилларидаги тарихдан лавҳалар... Ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий сақланиб, авлоддан — авлодга ўтиб яшайверадиган маънавий меросимизнинг бебаҳолиги, тарбиячилиги...

Ойбек иймон-этиқодининг поклиги ҳар бир асари сатрларида ойдек яқрираб туради... Шу ўринда бир нозик нуқтага эътибор қилсак, бунга яна ишончимиз қомил бўлади. Театрга бориб томоша кўрган сиймо у ерда кўп нарсага тушунмаган бўлса-да, «ўқимаган, илмисиз бир боланинг безориги айланиб кетишини англабди. Бу нима эди? Бу шубҳасиз, Бехбудийнинг ўша машҳур «Падарқуш» драмасидаги Тошмурад ва унинг савдогар — бой отаси қилмишларидан келиб чиққан фожиалар намойиши эди. Ойбек, Бехбудий ва унинг асари номларини 30-йилларда тилга ололмади. Бу аниқ гап. Лекин бир қисқанина жумлада Бехбудий драмасининг бутун мазмун, гоёси, мақсадини ифода этиб беради... Мана бу маҳорат. Ўз миллий тарихига, маънавиятига ҳурмат ифодаси эди.

Аҳмад АЛИЕВ.

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

XIII. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

«...Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар ўз муқтадрилигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд ҳавф-хатарлардан асраш, сақлаш ҳар бири-мизга бовариқдир. Давлатни ақл-идрок билан бошқариш, — мутафаккир Абу Наср Форобий XX асрда сабоқ бериб айтганидек, — халқ бошига тушган ҳавф-хатарни қамқатириш ва бартараф этишдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

майдонга чиққан бир қатор сиймоларимиз ҳаёти, ижодий фаолияти мисолида бир қадар мулоҳазаларимизни эълон қилганмиз. Бугун эса айни ўша буюкларимизнинг муносиб вориси — бизга замондош бўлган ақолиб шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби — академик адимимиз — Ойбек ҳаёти, ижодий фаолиятининг айрим томонларига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Агар дунёқарашининг дастлабки шаклланиши шахс фаолиятининг ҳамма томонларида бир умр ҳал қилувчи аҳамият қатъ этишини таъкидлаб иш қўрадиган бўлсак, дастлаб мана бу сатрларга диққат қилинг:

«Мен мактабда ўқиб юрган пайтлардаёқ қўлимга қалам олдим, асарларим 1923 йилдан бошлаб мактабда босила бошлади. Мактабдаги йилларимда Шарқ классикаси билан танишдим. Хиротлик буюк Навоий ва ақолиб лирик, Озарбайжон адабиётининг буюк сиймоларидан бири бўлган Фузўлига бениҳоя кўнгли кўйдим. Менга шеърятдан илк сабоқни шулар бердилар. Менинг авлодим (тенгдошларим маъносидан А.А.) онгли ҳаётга революция билан бирга қадам қўйди».

Ойбек ушбу сатрларни «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сарлавҳаси остида «Дружба народов» журналининг 1966 йилги август сонидида эълон қилган мақолада баён қилган эди. Мақола журнал буюртмаси туфайли унинг муҳбири билан бўлган суҳбат тарзида вужудга келгани маълум. Эътибор қилсангиз — асримизнинг 60-йиллари бизда қандай ҳаётий вазиятлар мавжуд эди? Нега айни шу даврда Ойбек яна тарихга мурожаат қилади? Бугина эмас. Тарих бўлганда ҳам Ойбек фақат миллий тарихимизгагина эмас, балки жаҳондаги бор қатор буюк сиймоларни берган халқлар, миллатларнинг маънавий қиёфасини намоен қилишга қодир, шу билан бирга ўз фаолиятлари ижодий маҳсулотлари билан умуминсоний маънавий фазилатларга айланган кетган аждодларнинг маданияти, маърифий, адабий меросларига мурожаат қилди... Негаки, 60-йилларнинг ўрталарида гарчи биз собик иттифоқ тасарруфида турган бўлсак-да, шахсга сизини оқибатида келиб чиққан фожиалар бир қадар фош этилиб, нисбатан эркинроқ фикр-мулоҳазалар айтиш имкониятлари пайдо бўлган — сталинчи қотиллар қатл этган кўп-кўп турли миллатга мансуб зиёлилар оқланган, уларнинг айримлари асарлари чоп этилиб улғурилган ҳам эди... Демак бу давр ҳам бизнинг тарихимизда маъ-

нинг энг муносиб ворисларидан бири Ойбек ҳам айни ўша буюкларимизни устоз деб тан олади, уларнинг анъаналарини жуда оғир зиддиятчи даврларда жасорат билан давом эттиради...

20-йиллардек ағдар-тўнтар бир жаҳонларда шеърят билан адабиётимизга кириб келган Ойбек — 30-йиллардаёқ тарихий мавзуда ёзилган биринчи романи — «Кутлуг қон»ни яратди. Мазкур роман ёзилганга 60 — 70 йиллар ўтган бўлса, бу асар ва унинг муаллифи ҳақида ҳам талай мақолалар, тадиқотлар, фикр-мулоҳазалар ёзилган ва ҳамон ёзилади. Романда халқимиз бошидан кечирган қарамлик, мустамлақачилик зулмларидан аниқ бир давр воқеалари қамраб олинди... 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, унда чор Россиясида ва унга қарам бўлган Туркистон элида кечган фожиалар, 1916 йилги дахшатлар, тарихга — «Мардиқор олиш воқеалари» тарзида кирган ҳодисалар жуда ҳаққоний ифода этилади... Албатта, роман 30-йиллардаёқ қалтиб даврда ёзилганини бир эсласак, Ойбек маҳоратига эмас, жасоратига ҳам яна бир бор тан берамиз... Романининг йўналиши гарчи ўша давр мафқурасига мос келса-да, (бу сиз мумкин ҳам эмас эдику) унда ўзбек халқи кечирган тарихнинг қанчадан-қанча миллий ўзига хослиги, урф-одатлари, истак ва орзулари, интилишлари, миллий ғуруридан тортиб ўз озодлиги учун курашлари нақадар бой бадийий ифодаларга тасвирланган.

Баъзи бир мисоллар билан баъзи лавҳаларни эслатиб ўтамиз. Мирзақарим-бойни бир кўз олдимизга келтирайлик. Ёши олтимишлардан ошган. Юзлари қилқизил. Соғлом. Жуда етук. Ҳушёр, ишбилармон. Шаҳарда катта дўкон-дастгоҳ, қишлоқда бир талай экин ерлари, боғроғлари бор... Ҳаммасини эглайди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан нарқ-наво оқибди, қимматчилик, ҳатто қашшоқлик бошланиб кетади... Мирзақарим-бой пахта заводи сотиб олишни режалаштириб қўйди... Майда хунарманд Шокир ота эса бозордаги қимматчиликдан «мош туғул, сўқ ҳам ололмадим. Бозор янада сакрабди» деб бозордан уйига ҳеч қандай емиш оломай қайтади... Худди шундай вазиятда ўзбек жадидлари вакили — Абдушукур эса халқ ўртасида маърифат, маънавият муаммоларини тарғиб қилишга интилади... Халқни зулмга қарши очик исён кўтаришдан сақлаб қолишга интилади, яъни шу билан тенгсиз кучлар киргинидан асраб қилиш дардида қуяди, ёнади, миллати тақдир ташвишлари би-

Шарқ гурдоналари

Ўз-Оз Ўзгариш

Домо бўлу...

◆ Чиройли хулққа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулққа эга бўлар эканлар. Аксинча ёмон хулқли аёлларнинг эрлари ёмон хулққа эга бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо бўлиб, бошқалар билан ҳам қўпол муомалада бўлар эканлар.

Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмас бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Бундай оиладан лаззат кетади, роҳат йўқолади, болаларнинг тинчлиги бузилади, оила аъзолари ўртасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади, шунинг учун оилада уруш ва жанжал чиқмаслигининг олдини олиш аёлларимизнинг вазифаларидир.

Эр билан муроса ва мадорада яшаш учун аёлларимиз қуйидаги икки нарсага амал қилишлари зарур. Биринчи, эрининг табиятини, мижозини ва хулқини билиш, шунга қараб муомала қилиш, масалан, эр нимадан хурсанд бўлса, ўшани қилишга уриниш, қандай нарса ғашини келтирса, уни қилмасликка уриниш зарур. Эрининг одатини билиш ва ўшанга асосланган иш юритиш тотувликни келтириб чиқардиган муҳим омиллардан биридир.

Иккинчи, вафодор, садоқатли ва ишбилармон аёллар ҳақидаги ҳикоя, шеър ва дostonларни кўп ўқиси, ёмон хулқли ва беҳаёларнинг қилмишлари ва унинг оқибатида турли ил балоларга гирифторм бўлганликлари тўғрисидаги воқеалардан ибрат ва керакли хулосалар чиқара олиш керак.

Олимат ал-БАНОТ.

◆ *Ўқигандим, икки зийрак бир юртда,
Бир чашма қошига келган вақтда.
Биринчи ичишдан ўлди ногаҳон,
Бирини кўп ичишдан таслим қилди жон.
Еб-ичиш йўлини билмайди қандай,
Очлашу тўққандан ўлдилар шундай.
Қутулай десаю гар тезда ўлмоқдан,
Қоринини шиширма ортиқ ёмоқдан!*

Низомий ГАНЖАВИЙ.

◆ Икки нафарнинг овқати уч нафарга ҳам етади.
◆ Яхши одамнинг меҳмони кўп бўлади.
◆ Меҳмонли уй баракали уй. Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди.
◆ Ақлли одамнинг сўзи жонга озиқ, ақлсиз одамнинг сўзи жонга қозик.
Кишининг фазилати тилидан билинади.
◆ Сўз борки, тоққа кўтаради, сўз борки, форга итаради.
Сўз ақл ўлқовидир.

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Айтишларича, Баҳром Гўр бир дарахтнинг остиди ўтирган эди. Ногоҳ шоҳлар орасидан бир қушнинг овози эшитилди. Баҳром бир ўқ билан бемаврид «сўзловчи» бу қушнинг ишини тамом қилди. Қушнинг тани миқ мисол шоҳларга урилди ва жони эса ўқ-ёйнинг иссиқ сихи билан тилинди. У деди: «Қуш ҳам, инсон ҳам ўз тилини сақласа омон бўларкан!» Байт:
*Гарчи қуш бўлсин у ва ёки инсон,
Тилини сақласа бўлади омон.
Шамни кўрсатг шамдон оғзин бекетди,
Чулки шамнинг тили бошига етди.*

ИБН КАМОЛПОШШО.

Дўстлар, биродарлар ва қариндош-уруғларнинг бир-бировлари билан борди-келди қилиши, меҳмон ва меҳмондорчилик қойдасини амалга оширишлари қадимий айёмлардан одат бўлиб келмоқда. Билгилки, меҳмондорчилик — энг муҳим қоида меҳмоннинг очик юзлиги, амал ва мартабасидан қатъи назар ўзини катта тутмаслиги, хурсанд ёки хафалигига қарамай, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйишидир.

Нодон меҳмон уй эгасини овора қилади, дейилади ҳикматда. Демак меҳмонга боришда қулай вақтни билиш ҳам зарур. Агар боришдан аввал бориладиган ердагилар оғохлантриб қўйилса, нур устига нур бўлиб, ҳижолатчилик ҳосил бўлмайди. Борди-ю, меҳмон тўсатдан келиб қолса, бундан ажабланмаслик, очик юз билан қарши олмақ керак.

Меҳмон оддий киши бўлиб, меҳмон мартаба эгаси бўлса-да, ўртага фарқ қўймастик, инсонийлик фазилатини унутмаслик улўғ кишилар одатидир.

◆ *Тўртта нарса бахтиёрлик белгиси,
Қимда бўлса ушбу тўрт кўндир эса.
Асли поклик бахтиёрликка далил,
Бадаслга тожу тахт эрмас ҳазил.
Бахтиёрликнинг иши доим савоб,
Кимки покликдир яна бошқа далил,
Кимки қалби пок эрур бўлмас далил.
Умримиз беш кун каби дунёда оз,
Ўйламайдир қимликки ақли саёз,
Айламоқ лозим эрур эл хизмати.*

Фариҳуддин АТТОР.
Форс, араб, турк тилларидан
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Космик кемалар моделини ясаш тўғрисидаги раҳбари Абдунаби Ҳожибоев доимо болалар билан қизиқарли машғулотлар олиб боради. Унинг шогирдлари ракета модели бўйича мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдаги) тўғарак раҳбари А. Ҳожибоев болаларга янги машғулотни тушунтирмоқда. Ундаги суратда ёғоч ўймакорлиги тўғраги аъзолари Мирсаид Мирзаев ва Абдурахим Раҳимовлар ўзлари ясаган нақшли қутичаларни бир-бирларига кўрсатишмоқда.

Равиль Альбеков олган суратлар.

90-йилларга газетачиларга оғир бўлган. Босмаҳонада харф териш, газетани саҳифалаш оддий усулда қўл билан бажарилад...

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири, махсус муҳбири, бўлим мудири, кейин халқ депутатлари пойтахт вилоят Кенгаши раисининг ёрдамчиси, вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири лавозимларида ишлаган Жасур Фозилович янги ташкил қилинган «Ишонч» газетаси бosh муҳаббири ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Чиндан ҳам у таҳрирчи шундай уринлардаки, ҳеч қандай зарарча малол келмасди. Жасур Фозилович ўзган мақола, тайёрлаган саҳифа муҳаббирдан ҳам, котибдан ҳам, босмаҳона ишчиларидан ҳам «силлиқ» ўтиб кетарди.

Дўстимиз ижодкорлар, нашриёт корхоналари ўртаксини дағина эмас, пойтахт вилоятининг ҳамма шаҳар ва туманларида хурматта сазовор эди.

Журналистлар ичидан Носировга тан бераман, — деди уша кезлардаги Янгийўл тумани раҳбари Сайфулла Сайдалиев.

«Давр» теледастурларини қизиқарли қилаётган рейд материалларидир. Ж. Носиров бевосита тайёрлаган мақолалар республика газеталари қатори «Тошкент оқшомид» ҳам бот-бот чоп этилади. Уларда муаллиф турли қиёфадаги қаллоблири, мустақиллик берган имониятлардан фарзид мақсадларда фойдаланишга уринаётган шахсларни фож тэмқода.

Жасур Фозиловичнинг гайрат-ташаббуси билан барча вилоятлардаги солиқ инспекциялари хузурида матбуот хизмат тизими. Республика солиқ қўмитасида эса видеокamera олинди, монтаж столи ҳозирланди ва телевидениега сюжетларни тайёр холда олиб бориш имкони туғилди.

Умрининг олтимишинчи довонидан ошиб ўтаётган ҳамкасб дўстимизнинг сунмас гайрати, жўшқин фаолиятига ҳавас қилса арзийди!

Соят МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири, махсус муҳбири, бўлим мудири, кейин халқ депутатлари пойтахт вилоят Кенгаши раисининг ёрдамчиси, вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири лавозимларида ишлаган Жасур Фозилович янги ташкил қилинган «Ишонч» газетаси бosh муҳаббири ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Чиндан ҳам у таҳрирчи шундай уринлардаки, ҳеч қандай зарарча малол келмасди. Жасур Фозилович ўзган мақола, тайёрлаган саҳифа муҳаббирдан ҳам, котибдан ҳам, босмаҳона ишчиларидан ҳам «силлиқ» ўтиб кетарди.

Дўстимиз ижодкорлар, нашриёт корхоналари ўртаксини дағина эмас, пойтахт вилоятининг ҳамма шаҳар ва туманларида хурматта сазовор эди.

Журналистлар ичидан Носировга тан бераман, — деди уша кезлардаги Янгийўл тумани раҳбари Сайфулла Сайдалиев.

«Давр» теледастурларини қизиқарли қилаётган рейд материалларидир. Ж. Носиров бевосита тайёрлаган мақолалар республика газеталари қатори «Тошкент оқшомид» ҳам бот-бот чоп этилади. Уларда муаллиф турли қиёфадаги қаллоблири, мустақиллик берган имониятлардан фарзид мақсадларда фойдаланишга уринаётган шахсларни фож тэмқода.

Жасур Фозиловичнинг гайрат-ташаббуси билан барча вилоятлардаги солиқ инспекциялари хузурида матбуот хизмат тизими. Республика солиқ қўмитасида эса видеокamera олинди, монтаж столи ҳозирланди ва телевидениега сюжетларни тайёр холда олиб бориш имкони туғилди.

Умрининг олтимишинчи довонидан ошиб ўтаётган ҳамкасб дўстимизнинг сунмас гайрати, жўшқин фаолиятига ҳавас қилса арзийди!

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири, махсус муҳбири, бўлим мудири, кейин халқ депутатлари пойтахт вилоят Кенгаши раисининг ёрдамчиси, вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири лавозимларида ишлаган Жасур Фозилович янги ташкил қилинган «Ишонч» газетаси бosh муҳаббири ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Чиндан ҳам у таҳрирчи шундай уринлардаки, ҳеч қандай зарарча малол келмасди. Жасур Фозилович ўзган мақола, тайёрлаган саҳифа муҳаббирдан ҳам, котибдан ҳам, босмаҳона ишчиларидан ҳам «силлиқ» ўтиб кетарди.

Дўстимиз ижодкорлар, нашриёт корхоналари ўртаксини дағина эмас, пойтахт вилоятининг ҳамма шаҳар ва туманларида хурматта сазовор эди.

Журналистлар ичидан Носировга тан бераман, — деди уша кезлардаги Янгийўл тумани раҳбари Сайфулла Сайдалиев.

«Давр» теледастурларини қизиқарли қилаётган рейд материалларидир. Ж. Носиров бевосита тайёрлаган мақолалар республика газеталари қатори «Тошкент оқшомид» ҳам бот-бот чоп этилади. Уларда муаллиф турли қиёфадаги қаллоблири, мустақиллик берган имониятлардан фарзид мақсадларда фойдаланишга уринаётган шахсларни фож тэмқода.

Жасур Фозиловичнинг гайрат-ташаббуси билан барча вилоятлардаги солиқ инспекциялари хузурида матбуот хизмат тизими. Республика солиқ қўмитасида эса видеокamera олинди, монтаж столи ҳозирланди ва телевидениега сюжетларни тайёр холда олиб бориш имкони туғилди.

Умрининг олтимишинчи довонидан ошиб ўтаётган ҳамкасб дўстимизнинг сунмас гайрати, жўшқин фаолиятига ҳавас қилса арзийди!

Соят МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири, махсус муҳбири, бўлим мудири, кейин халқ депутатлари пойтахт вилоят Кенгаши раисининг ёрдамчиси, вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири лавозимларида ишлаган Жасур Фозилович янги ташкил қилинган «Ишонч» газетаси бosh муҳаббири ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Чиндан ҳам у таҳрирчи шундай уринлардаки, ҳеч қандай зарарча малол келмасди. Жасур Фозилович ўзган мақола, тайёрлаган саҳифа муҳаббирдан ҳам, котибдан ҳам, босмаҳона ишчиларидан ҳам «силлиқ» ўтиб кетарди.

Дўстимиз ижодкорлар, нашриёт корхоналари ўртаксини дағина эмас, пойтахт вилоятининг ҳамма шаҳар ва туманларида хурматта сазовор эди.

Журналистлар ичидан Носировга тан бераман, — деди уша кезлардаги Янгийўл тумани раҳбари Сайфулла Сайдалиев.

«Давр» теледастурларини қизиқарли қилаётган рейд материалларидир. Ж. Носиров бевосита тайёрлаган мақолалар республика газеталари қатори «Тошкент оқшомид» ҳам бот-бот чоп этилади. Уларда муаллиф турли қиёфадаги қаллоблири, мустақиллик берган имониятлардан фарзид мақсадларда фойдаланишга уринаётган шахсларни фож тэмқода.

Жасур Фозиловичнинг гайрат-ташаббуси билан барча вилоятлардаги солиқ инспекциялари хузурида матбуот хизмат тизими. Республика солиқ қўмитасида эса видеокamera олинди, монтаж столи ҳозирланди ва телевидениега сюжетларни тайёр холда олиб бориш имкони туғилди.

Умрининг олтимишинчи довонидан ошиб ўтаётган ҳамкасб дўстимизнинг сунмас гайрати, жўшқин фаолиятига ҳавас қилса арзийди!

3 декабрь - Халқаро ноғиронлар кунини БЕКИЁС ФАМХЎРЛИК

Давлатимиз иқтисодий мустақамалана борган сари фуқаролар иқтисодий таъминоти янада яхшилаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 433-сонли «Ноғиронларни раёбиатида қиларга бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури тўғрисида» эълон қилинган қарори бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий таъминот бошқармаси тизимида қўшма хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу хусусда шаҳар иқтисодий таъминот бошқармаси Саида Муҳаммадова бизга куйидагиларни сўзлаб берди:

— Болалиқдан ноғиронларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга, қўл болали оилалар ва кекса қарияларга нафақалар тўлаш, уларнинг турмуш шароитларига катта эътибор билан қараш шаҳар иқтисодий таъминот бошқармаси ходимларининг зиммаларида мўҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хозирги кунда Тошкент шаҳри иқтисодий таъминот тизимида рўйхатда турувчи 326 миңдан ортиқ пенсионерлар сонидан 67367 нафари турли тоифадаги ноғиронларни ташкил этади. Шаҳримизнинг барча туманларидаги поликлиникаларда ноғиронларни навабсиз даволаш чоралари қўрилиб, уларга кундузги бўлимларда алоҳида жойлар ажратилган, касалхоналарда ҳам шундай жойлар мавжуд. Имтиёздан фойдаланувчи ноғиронлар учун А. Иқромов туманида 1563900 сўмлик, С. Раҳимов туманида эса 1234720 сўмлик доридармон сарфлагани, 3603 нафар пенсионерлар, шу жумладан 1240 нафар ноғиронлар сирхатхоналарда саломатликларини тиклашлари, Протез-ортепедия маҳсулотларига мўҳтож ноғиронлардан 3941 нафари туман иқтисодий таъминот бўлимида тиббиёт кўрсатувчи бўлимида амалга оширилган.

Мўҳтож ноғиронлардан 99 нафари ноғиронлар арачасиди, 21 нафар беморлар билан 735 нафари хасса ва қўллик таъв билан 970 нафар ноғирон туманида, шу жумладан, ҳомиёлар томонидан 2 арава, 16 эшитиш мосламалари, 50 та хасса ва қўллик таъв мўҳтожларга тарқатилди. 9 Май — Хотира ва Қадрлар кунини арафасида Мирзо Улугбек, Миробод ва Юнусобод тумани иқтисодий таъминот бўлимидаги қираверида ноғиронлар арачасиди маҳсулотларини йўналдирилган қўрилиб, топширилди. Бу мақсадларга шаҳар ҳокимияти томонидан 5,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Барча туман меҳнат биржалари билан шартнома тузиш, шу асосда ноғиронларни баҳоли қудрат касбга йўналтириш ва меҳнатга жалб этиш ишлари самарали олиб боришмоқда. 729 нафар ноғирон ишга жойлаштирилди. Кундан-кунга ноғирон болалири иқтисодий ҳимоя ва соғлиғини тиклаш ишларига қўпроқ эътибор берилмоқда. Бу борада Юнусобод, Бектемир, Мирзо Улугбек туманларида амалга оширилётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бектемир туманида бир ноғирон болуға Москвада давронлиши учун тулгандаги «Хайта ишонч» жамияти томонидан 110 миң сўм маблағ ажратилди, у Москвада давронлиши учун Мирзо Улугбек туманида эса 21 нафар ноғирон болуғаларга Мустақилликнинг 8 йиллиги арафасида 42 миң сўм микдорда кийим-кечак совға қилинди.

Юнусобод туманида эса ҳар бир байрамни ноғирон болуғалар учун алоҳида тантана билан нишонлаш оdat тусини олмақда. Наврўз умумхалқ байрамида Тошкент хайвонот боғида, болаларни химоя қилиш хизматари «Тошкент» боғида 500 ноғирон болуғаларга байрам ташкил этилди. 80 ноғирон болуға саломатлигини тиклаш учун «Донк-спорт» масканига юборилди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан 500 нафар болуға байрам дастурхонини ташкил этилиб, ҳомиёлар томонидан барча болуғаларга совғалар тарқатилди.

Шунингдек, иккита 720 ўринга мўлжалланган Муруват уйларида ноғирон болуғаларнинг соғлиғини тиклаш борасида белгиланган тадбирлар режаси асосида ишлар амалга оширилмоқда. Йилга 2 марта таба чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилиб, унинг натижаларига қўра соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Тарбияланувчилардан тузилган спорт-соғломлаштириш командаси аъзолари Республикада ўтказилган спорт бешлашувларида ҳам муваффақиятли катнашиб келмоқдалар. Хулоса қилиш шунки айтиш мумкинки, нафақат ноғиронлар, балки умуман шахримиз фуқароларининг моддий турмуши, саломатлигига ҳуқуматимиз ва шаҳар иқтисодий таъминот ходимлари томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2

ПАИШАНБА, 2
ЎЗТВ I
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ II
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ III
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ IV
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ V
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VI
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VII
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VIII
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

«ОЙНАИ ЖАҚОНДА»
ЎЗТВ I
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ II
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ III
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ IV
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ V
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VI
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VII
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».

ЎЗТВ VIII
8:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8:30 Марказий газеталар шарҳи.
9:00 «Кўнрақ» маънавий куғуси.
9:15 «Камолот сари».
9:30 «Товаришлар».